
Спортсевар фуқратликлар муносиб тақдирланди

Фуқрат туманида охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олишга қаратилган амалий ишлар кескин оширилди.

Ушбу амалий ишлар доирасида маҳаллалар, таълим муассасаларида ўқитувчи ва мураббийлар, корхона ва ташкилот ходимлари иштирокида спорт тадбирлари ташкилланиб, муносиб қатнашувчилар эътироф этилмоқда.

Куни кеча ана шундай турнирда муносиб қатнашган иштирокчилар тақдирландилар. Улар орасида спортсевар хотин-қизлар, ўқитувчи ва мураббийлар, уюлмаган аҳоли вакиллари борлиги қувонарли.

2024-01-30 09:10:06